

МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАЪМИНЛАНДИ

Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2021 йил 31 декабр кундаги “Узун туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги

VI-37-77-8-118-К/21-сонли қарорига мувофиқ туман маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган бюджет муассасаларига жорий молия йили учун ажратилган маблағлар доирасида 2022 йилнинг июн ойи иккинчи ярим иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари молиялаштириш таъминланди

Узун туман маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган бюджет муассасаларининг сўровларига асосан 2022 йилнинг июн ойи иккинчи ярим иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари учун **5 млрд. 160,3 млн. сўм** ҳамда ижтимоий солиқ тўловлари учун **1 млрд. 796,4 млн. сўм** маблағлар тўлиқ молиялаштирилиши таъминланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунига мувофиқ Республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган тумандаги Халқ таълими бўлими ва Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги барча таълим муассасаларида ишловчи ходимларнинг 2022 йилнинг июн ойи иккинчи ярим иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари ҳамда умумтаълим мактабларида фаолият юритиб келаётган ходимларнинг навбатдаги, яъни 2021-

2022 йилларда ишлаган даврлари учун меҳнат таътили пулларини тўлаб бериш мақсадида **3 млрд. 067,8 млн. сўм** ҳамда ижтимоий солиқ тўловлари учун **757,9 млн. сўм** маблағлари жорий молия йилининг

5 июл куни ҳолатида тўлиқ молиялаштирилиши таъминланди.

Узун туман ҳокимлигининг

молия бўлими